

ИККИНЧИ ЖАХОН УРУШИ ДАВРИДА СОВЕТ АРМИЯСИ ОФИЦЕР КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Норбоев Мухридин Қорабоевич
ЎР Куролли Кучлари ҳарбий хизматчиси

Аннотация: мазкур мақолада Иккинчи Жаҳон уруши даврида Совет армиясида офицер кадрларини тайёрлаш тизими таҳлил қилинади. Уруши даврида офицерларга бўлган талабнинг кескин ортиши, кадрлар тайёрлаши стратегияси, ҳарбий ўқув юртларининг роли ва улардаги таълим жараёнлари муҳокама қилинади. Шунингдек, қисқа муддатли курслар, фронт ортидаги тайёргарлик тизими ва уруши шароитидаги кадрлар сиёсати масалалари ёритилади. Тадқиқотда архив ҳуҷажатлари, замонавий илмий манбалар ва тарихий материаллар асосида уруши давридаги офицер тайёргарлигининг муаммолари ҳамда уларни ҳал этиши йўллари кўриб чиқилади. Олинган хуносалар Совет ҳарбий таълим тизимининг ривожланиши тенденциялари ва тарихий тажрибасини ўрганиши учун муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: Иккинчи Жаҳон уруши, Совет армияси, офицер кадрлари, ҳарбий таълим, ҳарбий ўқув юртлари, кадрлар сиёсати, фронт ортидаги тайёргарлик, қисқа муддатли курслар, тарихий таҳлил.

Фашистлар Германиясининг собиқ СССРга уруш очиш хавфи туфайли Совет Куролли Кучлари шахсий таркиби сезиларли даражада оширилди ва 1941 йилга келиб 4 миллион 207 минг кишига етди. Бу ҳолат армияда командир-бошликлар таркибининг танқислигига олиб келди. 1941 йил 1 январь ҳолатига кўра, мазкур танқислик 15% ни ташкил этган.

Амалда мавжуд бўлган ҳарбий-ўқув муассасалари ҳарбий кадрларга бўлган талабни қондира олмас эди .

Фашистлар Германиясининг собиқ СССРга бостириб кириши билан офицер кадрларга бўлган талаб ошди. Бу Куролли Кучларни уруш даври штати бўйича кенг ёйиш ва жанговар операцияларда офицер кадрларни йўқотилиши билан боғлиқ эди. 1941 йилнинг охирида захирадаги офицерларнинг 75 % армияга чақирилди.

Аммо ҳаракатдаги армияни офицер кадрлар билан тўлдиришнинг асосий манбаси ҳарбий-таълим муассасалари бўлиб қолаверди.

Ўша даврда ҳарбий билим юртлари битирувчилари командирлар таркибидаги табиий йўқотишларни зўрға тўлдириб, янги ташкил этилаётган тузилмалар учун етарлича командирлар захирасини таъминлай олмас эди. Шу сабабли, қўшинларда амалдаги кичик лейтенантлар ва техниклар тайёрлаш курслари кенгайтирилди ҳамда янгилари ташкил қилинди. Шу билан бирга, ҳарбий билим юртларини кенгайтириш ва янги муассасалар ташкил этиш бўйича амалий ишлар амалга оширилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 1941 йилда фақатгина ҳарбий билим юртлари 83 минг командирлар чиқарди. Лекин бунга қарамасдан 1941 йилда фақат

Куруқликдаги қўшинларда штатлар бўйича 66 900 командирлар етишмади. 1941 йилнинг биринчи ярмидаги ташкилий тадбирлар яна 70 минг командирларни талаб қилди. Курсантлар ва тингловчиларнинг баҳорги битирувлари 70 минг командирларни ташкил қилди. Қўшинларни командир кадрлар билан тўлиқ таъминлаш учун бир ярим йилча вақт талаб қилинар эди.

XX-асрнинг 30- йиллари охирида собиқ СССРда барча соҳаларда қатағонлик сиёсати олиб борилди, СССРнинг қатағонлик сиёсати армия ва флотни ҳам четлаб ўтмади. 1937 йил май ойидан 1938 йилнинг сентябригача армияда 36 761 киши, флотда 3 мингдан ортиқ киши қатағон қилинди. Мудофаа халқ комиссарлиги, ҳарбий округлар марказий бошқармаси раҳбарияти таркиби ҳамда корпус, дивизия, полк ва турли бўғиндаги бўлинмалар командирлари қатағонликларга дучор бўлди.

1937–1938 йилларда ўтказилган қатағонликларга учраган командирлар ва сиёсий ходимларни ўрнини тўлдириш учун, яқиндагина ҳарбий билим юртларини тугатган, қўшинни бошқаришда укуви йўқ, тажрибасиз ёш командир ва сиёсий ходимлар юборилди. Шунинг учун улар бошланган уруш майдонларида тажриба орттиришларига тўғри келди, бу ўз навбатида қўшинни асоссиз қайтариб бўлмас талофатларини ошишига олиб келди.

1941 йилда офицер кадрларни тайёрлашнинг ҳолати. 1941 йил армия ва флотда офицер кадрларнинг йўқотилиши фақат вафот этганлар билан 51 минг кишини, бедарак кетганлар билан 182 минг кишини, ярадорлар билан 83 минг кишини ташкил этган.

Шу тариқа, янги ташкил этилган тузилмаларни, армияда банд бўлмаган командирлик лавозимларини ва жанговар йўқотишларни офицер кадрлар билан тўлдириш мақсадида қўплаб командирлар ва сиёсий ходимлар талаб қилинди. Армия қанчалик яхши қуролланган ва таъминланган бўлмасин, тажрибали, иродали командирларсиз жанговар вазифаларни бажариш мумкин эмас эди. Жангда офицер кадрлар ҳал қилувчи роль ўйнаган. 1941 йил армия ва флотни офицер кадрлар билан таъминлаш бўйича мураккаб ва масъулиятли давр бўлди. Бу муаммо қисқа муддатларда ва оғир шароитларда, қўшинлар чекинаётган ҳолда, ҳарбий билим юртларини шарққа эвакуация қилиш жараёни билан бирга ҳал қилиниши керак эди.

Урушнинг биринчи ойларида армия ва флотни офицерлар таркиби билан тўлдириш муаммоси асосан захирадаги офицерларни чақириш билан қондирилди. 1941 йилда Қизил армия ва Ҳарбий-Денгиз Флотига 650 мингдан зиёд киши чақирилиб, у уруш бошида ҳисобда турган захира офицерлари таркибини 74 %дан кўпроғини ташкил этди.

Совет-Герман фронтида уруш ҳаракатлари бошланиши билан ҳарбий таълим муассасалари қисқартирилган дастур асосида ўқитишга ўтказилди. Бу айrim салбий оқибатларга олиб келди, масалан, танкчи билим юртлари битирувчилари техникада оддий техник операцияларни бажара олмас эди (танкни ўт олдириш, унинг мой ва ёқилғи миқдорини текшириш, занжирларни созлаш ва ҳоказо).

1942 йилда офицер кадрларни тайёрлаш ҳолати жуда мураккаб эди. Ҳаракатдаги армия ва ҳарбий-денгиз флоти йўқотишлари ҳалок бўлганлар бўйича 161 857 офицерни, бедарак йўқолганлар бўйича эса 124 488 офицерни ташкил этди. Пиёда қўшин командирлари таркибидаги йўқотишлар офицерлар умумий йўқотишларининг 50% ни ташкил қилди. Раҳбар кадрлардаги йўқотишлар ҳам катта эди – 1942 йилда 11 корпус командири, 76 дивизия командири ва 16 бригада командири ҳалок бўлди.

1942 йил давомида касаллик ва ярадорлик сабабли 250 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчи госпиталларга юборилган. Шу тариқа, офицерлар таркибидаги умумий йўқотиш тахминан 550 минг кишини ташкил этди.

Қуруқлиқдаги қўшинлар ҳарбий билим юртларидан 303 415 нафар битирувчи тайёрланиб, фронтга жўнатилган. Бу кўрсаткич 1941 йилга нисбатан икки баробар кўп эди. Шу билан бирга, сиёсий ходимлар таркибидаги йўқотишларни тўлдириш мақсадида 1942 йилда сиёсий-ҳарбий билим юртлари ва курсларидан 95 484 киши фронтга йўналтирилди.

Йил давомида Қуруқлиқдаги қўшинлар ҳарбий билим юртлари қўшинларга 172 мингга яқин, артиллерия билим юртлари эса 58 мингдан ортиқ офицерларни тайёрлаб жўнатди.

Зирҳли танк ва механизациялашган қўшинлар офицерларини тайёрлаш тўрт баравар кўпайди ва 33 799 кишини ташкил этди.

1942 йилнинг октябрига қадар ўқчи бўлинмаларининг взвод, рота ва батальон командирлари шахсий жасорат ва мардлик кўрсатиб, хужум вақтида ўз бўлинмалари билан бирга олдинги сафда жангга кирганлар. Бу эса уларни душман снайперлари учун асосий нишонга айлантириб, командирларнинг катта йўқотишларига олиб келган.

Натижада, бўлинмаларда бошқарув тизими издан чиқиб, жангларда мағлубиятга сабаб бўлган. Бу ҳолатни бартараф этиш мақсадида, Мудофаа Халқ Комиссарлиги 1942 йилнинг 8 октябрида 306-сонли буйруқни чиқарган.

Унда “взвод, рота, батальон командирлари хужум қилаётган ўз бўлинмалари жанговар тартибининг ортида, ўз бўлинмалари ва қанотларда хужум қилаётган қўшни бўлинмаларни кузатиш учун қулай позицияларда ҳаракатланишлари белгиланган”

1942 йилга келиб ҳарбий билим юртларида офицер кадрларни анча сифатли тайёрлашга ўтилди, синф дарслари, назарий дарслар анча қисқартирилди. Машғулотларнинг асосий қисми полигонларда ўтказила бошланди.

1943 йилда офицер кадрларни тайёрлаш ҳолати. 1943 йилда армия ва флот офицерлар таркибидаги йўқотишлар ҳалок бўлганлар билан 173 584 кишини ва бедарак йўқолганлар билан 43 423 кишини ташкил қилди. Йил давомида Қуруқлиқдаги қўшинлар ҳарбий билим юртлари 161 054 кишини тайёрлаш армияга юборди. Бундан ташқари ҳарбий-сиёсий билим юртлари ва курслар 75 минг офицер етказиб берди.

Кичик лейтенантлар курслари 104 106 кишини етказиб берди, округ курслари – 27 177 киши, фронт курслари – 37 255 киши, армия курслари – 39 674 киши. Шу

тариқа ҳарбий билим юртлари ва кичик лейтенантлар курслари Қуруқлиқдаги қўшинларга 265 минг ёш лейтенантларни етказиб берди . 1943 йилга келиб ҳарбий билим юртлари ва кичик лейтенантлар курслари ҳаракатдаги армияни офицер кадрларга бўлган талабини тўлиқ қондирибина қолмай, балки барча қўшин турлари учун анчагина офицерлар захира яратишга эришдилар. Ушбу захира офицерларининг кўпчилиги жанговар тажрибаларга эга эди. Умуман 1943 йилги ўкув йилида ҳарбий таълим муассасалари олдиларида вазифани бажардилар.

1944 йилда армия ва флотда офицерлар таркибининг йўқотишлари сезиларли бўлди. Ҳалок бўлганлар сони 169 553 кишини, бедарак йўқолганлар 36 704 кишини ташкил қилган бўлса, ярадорлар ҳисобга олинганда умумий йўқотишлар 450 минг офицерга етди.

Шу йил давомида Қуруқлиқдаги қўшинлар ҳарбий билим юртлари 147 562 офицерни тайёрлаб, фронтга юборди. Янги техникаларнинг жорий этилиши ва командир-бошлиқлар таркибининг жанговар маҳорати ортгани натижасида офицерлар таркибидаги йўқотишлар сезиларли даражада камайди.

Ҳарбий билим юртлари ва академиялар офицерларни тайёрлаш бўйича катта тажриба тўплади. Бунда ўқитувчилар таркиби жанговар амалиётларда қатнашган офицерлар билан тўлдирилгани тайёргарлик сифатини анча оширди . 1945 йилда офицер кадрларни тайёрлаш ҳолати. 1945 йилнинг январидан сентябригача армия ва флот ҳалок бўлганлар билан 75 130 офицерни, бедарак йўқолганлар билан 5038 офицерни йўқотди. Йўқотишларнинг ҳаммаси 80 168 киши, улардан 3753 киши июнь-сентябр ойида ҳалок бўлган. Шу вақт мобайнида 85 529 киши ярадор бўлган. 1945 йилнинг 5 ойи давомида Қуруқлиқдаги қўшинлар ҳарбий билим юртлари 42 342 нафар офицерларни тайёрлаб, фронтга юбордилар. Шу даврда кичик лейтенантлар курслари томонидан қўшинларга 25 614 офицер тайёрлаб юборилган. Қизил Армия Бош бошқармаси маълумотлари кўра, уруш даврида 2 053 814 офицерлар ва генераллар ҳалок бўлган, ярадор бўлган ва бедарак йўқолган. Уруш даврида армия ва флотни ёйиш, қўшинни бутлаш ва санитар йўқотишларни ўрнини тўлдириш учун 3 229 295 офицер фронтга юборилган. 1941-1945 йиллардаги уруш йилларида қўшинларга командир кадрларни етказиб берувчи асосий база – бу ҳарбий билим юртлари ва ҳарбий академиялар бўлиб ҳисобланди. Умуман уруш йилларида ҳарбий таълим муассасалари армияни офицер кадрлар билан таъминлашдек масъулиятли вазифани шараф билан адо этди.